

ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК ПОЗИТЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ВА МАЪНАВИЙ - АХЛОҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Фозилов Ботир Закирович
Андижон давлат университети
таълим докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Фуқаролик жамият асослари, ёшларимизнинг фаолликни юксалтириш, уларда миллат, халқ ва жамият олдидаги бурч ҳамда масъулиятини юракдан ҳис қилиш туйғуларини камол топтириш ҳамда уларнинг онгу шуурида мустаҳкам ҳаётий позитсияни, эътиқод ҳамда маслакни шакллантириш ва бу жараёнга қўйилувчи талаблар ва тамойиллар баён этилган.

Калит сўзлар: эркин фуқаро, маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий кадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулар, қариндош-уруғлар, маҳалла, миллат, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси.

Демократик жамиятнинг барқарорлиги демократик кадриятлар билан бойишни тақозо этади. Бу жараён жамиятдаги фуқароларнинг ижтимоий эркин шароитда яшашга қанчалик тайёр эканликлари, яъни шахсларнинг фуқаровий этуклиги ва фаоллигига боғлиқ. Ўз навбатида фуқаровий этуклик ва фуқаровий масъулият, жамият аъзоларининг фуқаровий онги даражаси билан белгиланади. Айнан фуқаровий онг жамиятнинг маънавий, интеллектуал ҳамда ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини шакллантиради

Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади”. [1] Демак, фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун давлат ўзининг айрим вазифаларини бўйнидан соқит қилиб, аста-секин жамиятнинг бошқа институтларига топширмоғи лозим. Бунинг учун эса давлат томонидан муайян шарт-шароитлар, имкониятлар яратилиб, жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этувчи ва бошқарувчи идораларининг фаолияти тўғри йўлга қўйилишини талаб этувчи механизмларни вужудга келтириш зарур.

Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи, жинси, касб-кори, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар фуқаро сифатида қонун олдида ҳуқуқан тенг ва бирдек масъулиятлидирлар. Шунинг учун ҳам мавжуд муаммоларни бартараф этишда фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини билиб олишлари ва улар ҳимоя қилишлари ҳамда бурчларини чуқур англаб этишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаб бориш долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу жараён фуқаролар учун маънавий камолот манбаи бўлиши билан бирга, уларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятга ўтиш концепсияси замирида инсон эркинликларини фуқаро, халқ манфаатларига мос ҳолда босқичма босқич юзага чиқариш асосий вазифа сифатида белгиланган. Маълумки, қонунларнинг ҳар бир моддасида инсоннинг муайян йўналишдаги эркинликлари берилади. Лекин ёдда тутмоқ керакки, бундай

тартиб, йўл-йўриқ ёки имконият фақат битта фуқаронинг эркинлигини юзага чиқариш учунгина жорий этилган эмас. Балки бу ҳуқуқий меъёр барча учун тенг асосга эга.

Ҳамонки шундай экан, барча яъни бутун жамият аъзолари ана шу меъёр асосида ўз эркинликларини бир хил даражада амалга ошириши шарт.[2]

Шунингдек, бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий биноси мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса, энг аввало, фуқароларни, айниқса, ёшларни чуқур билимли, теран фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий кадриятларидан хабардор, ватанпарвар, ҳақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялашни тақозо этади. Комил инсон шахсини тарбиялаш эса энг мураккаб ва қийин жараён дир. Бу жараённи амалга ошириш улар онгига миллий кадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқ дир. Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихини, маданиятини, миллий кадриятларини, тилини, динини ва урф-одатларини мукамал билсагина, мустақилликнинг асл моҳиятини чуқурроқ англаб этадилар. Фуқаролик жамияти ҳам ана шу миллий кадриятларимизга асосланиб ривожлантирилиши бежиз эмас. Зеро, “Мадомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги ХХІ асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз шундан келиб чиқмоғи даркор, яъни эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириши бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур”.[3] Инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий кадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-ғуруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан бирлигини, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу жараёнда шахсда ҳақиқий фуқаролик позитсияси шаклланади

Фуқаролик жамият асослари шаклланаётган республикамизда, ёшларимизнинг фаолликни юксалтириш, уларда миллат, халқ ва жамият олдидаги бурч ҳамда масъулиятини юракдан ҳис қилиш туйғуларини камол топтириш ҳамда уларнинг онгу шуурида мустаҳкам ҳаётий позитсияни, эътиқод ҳамда маслакни шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган дарс соатлари, ўқув курслари йўлга қўйилган. Мазкур саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, қолаверса, бу борада фаол фуқаролик позитсиясига эга бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш келажакда натижалар келтиради. Зеро, замонaviй таълимнинг мақсади ҳар бир кишига ўз фаолияти учун зарур бўлган янги билимларни олиш ва уларни жамият ҳаётига тадбиқ этиш имкониятини яратишдан иборат дир. Шу боис тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг интеллектуал онг ва маданият даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг муҳим принципларни англаб этишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим. Айниқса фуқаролик жамиятини барпо қилишда фуқаро онги, маданияти, даҳлдорлик ҳисси ва масъулиятини юксалтириш ҳамда такомиллаштиришни ҳозирги талаб даражасида йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга дир. Албатта, ёшлар фаолиятида ушбу зарурий масала ўзининг долзарб жиҳатлари билан ажралиб туради ва самарали тарзда амалга оширишни йўлга қўйишимиз лозимлигини яна бир бор қайд қиламиз.

Адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон фармони.

2.Ф.Қодирова. “Махсус таълимга интерфаол усулларни татбиқ этиш”.-Т.,2010.

3.У.Файзиева. “Имконияти чекланган болаларни оилаларда тарбиялаш”.-Т.,2009. 11-бет